

БИСМИЛЛАХИР РОХМАНИР РОХИМ

Аммо баъд, ўтмишдаги хол-ахволларни билган доноларга маълумким, бизнинг ота-боболаримиз хар бобда, айникса, илм ва маърифатда олам ахли учун ибрат ва намуна бўлганлар. Уларнинг илму маърифатлари «кийлу кол»нинг такрори ва хошияхонлиги бўлмай, балки улар хар бир илмнинг асосий мохиятини яхши билиб, ундан яхшигина истифода ва истеъмол килардилар. Улар тезда малака ва махоратга эга бўлиб, мўътабар китобларнинг таълиф ва таснифига кодир бўлганлар. Баъзилари ўнта, йигирмата ва хатто юз адад китоб тасниф килганлар. Уларнинг кўпи (жахон) илми хазинасини тўлдирган. Муаллифлар эса асарларини валинеъматлари бўлмиш аср подшоҳлари номига ҳам ҳадя килардилар. Шу бахона билан улар мамлакат ва миллатларини илмий асарлари билан бахраманд этиб, ўз навбатида, катта мукофотга лойиқ бўлардилар ҳам подшоҳлари номини яхшилик билан келажак учун колдириб, уларнинг мукофотлари шукрини бажо келтирардилар.

Бориб-бориб замон ўзгарди, саъйу ҳаракатлар, илмга бўлган интилишлар сусайиб, талкинчиликка айланди, «иждо килмок» (деган тушунча) зарарли ва алоқасиз манзумалар чордеворида қолиб кетди, Фазл арбоблари ҳам подшоҳ номига бирор-бир ёлгон қасида ёзиб пешкаш килмокдан бошқа бир ҳунар топмадилар. Агарда эллик йилда бирон-бир қалам соҳиби чиққан бўлса ҳам, у ё «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар зикри») ёки девон ёзган бўлиб чиқардики, асарини ўқиган одам на динига ва на дунёсига фойда оларди. Мамлакатимизда бундай тушкунлик давр узок муддат давом этди.

Худога шукурким, ҳазрати подшоҳи амир Саййид Мухаммад Олимхон даврида Бухоро мамлақати халқи ҳам рўзномалар орқали олам аҳолидан ҳабардор бўлиб, шуни билдики, бошқа мамлакатларда йилида бир-икки китоб ёзиб халққа манфаат келтирадиган минглаб ёзғучи олимлар яшар эканлар. Шул сабабдан Бухоро соҳиби қаламлари ҳам ҳаракатга келиб, тиришқоқликларини кўрсатиб, икки-учта фойдали китоб ёзиб нашр килдилар.

Банда шуларнинг энг камтаринларидан бири бўламан. Бу навбат ҳам ушбу ахлоқия мажмуасини тартиб бериб, «Рахбари нажот» («Нажот йўли») деб номладим.

Абдурауф Фитрат Шаъбону-л-муаззам, 1332 йил

АХВОЛИМИЗ БАЁНИДА

Ҳаётнинг (яккама-якка) кураш майдонида ва жажон халқлари орасида ислом оламининг фарсах-фарсах орқада қолганлигини баён қилишга эҳтиёж йўқдир. Биз туркистонлилар эса бошқа исломий жамиятларга нисбатан дунёи жажон парижонликка тушиб, йўлимиздан адашганмиз. Ажабо, бу парижонликнинг сабаби недир?

Туркистонлиларнинг ақсарияти бу саволга жавоб беришда икки тоифага бўлинадилар!

Миллат ва ватанлари учун кайгурган бир тоифа бу паришонликни илмсизлик ва танбаллик окибати деб билади. Хакикатан ҳам, тушкунлик ва хароблигимизнинг сабабларидан бири илмсизлик ва ҳаракатсизликдир. Лекин буларнинг ҳам асл сабаби, ана ўша тушкунлигимизнинг асосий сабабидир. Ажабо, бу сабаб нима экан?

Бу масала хусусида иккинчи тоифа туркистонлиларнинг нуқтаи назарини баҳс мавзуига киритсак, уларнинг нима дейишлари маълум бўлади. Орқада колганлигимиз хусусида бу томоннинг асосий қисми қуйидаги фикрларни келтирадилар:

1. Паришонлигимиз ва тушкунлигимизга сабаб йўқ, бу илохий хошидир.
2. Худо бу дунёни кофирлар учун жаннат, мўъминлар учун дўзах қилиб яратгандир.
3. Қиёмат яқиндир, мусулмонлар бу дунёда аста-секин қамайиб бормокдалар.
4. Ҳазрат Пайгамбаримиз «қулли явмин бадтар» деб айтганларидек, мусулмонларнинг қуни кундан баттар бўлиб бормокда.

Маълумки, бу мулоҳазалар билкул пуч ва ботилдир.

Унга жавоб бериш у ёқда турсин, балки уларни эшитмоклик ўзи тўғри эмас. Банда ҳам маълум муддат халқ ва миллатнинг хароблиги сабабларини излаб топиш учун ҳар тарафга югуриб, қўп кишини сўроққа тутдим, аммо ҳеч кимдан қоникарли жавоб ола билмадим. Оқибат, биз туркистонлиларнинг мусулмонлигимиз ва муқаддас Қитобга эга эканлигимиз ва шу Қитобни ягона раҳнамоимиз деб тасдиқлашимиз хотирамга келди. Энди шу муаззам ва муқаррам дастуруламал бўлмиш Қитобга таважжух қилишдан бошқа чора қолмади. Бу хусусда У (Қуръони қарим) бизга раҳнамолик қиладими-йўқми деб, қамол қалб ва вужуди бебизоат ила Қуръони азим мутолаасига машғул бўлдим ва матлабимга эришдим. Қуръони қарим аввал менинг саволимга шу тариқа жавоб берди: «Албатта, неъмат берилган қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Аллоҳ уларнинг ҳолини ўзгартирмас».

Инсоф юзасидан ислом оламига диққат билан қарасак: оз сонли араб қабилалари Расули айлайхиссалом ҳидоят қилган билан шараф тоғувчи ислом динига қилиб, 23 йил қабиланида, яъни Ҳазрати набий қамонларидан то қазрати Умар вафотларигача бўлган муддатда дунёнинг икки қирғи қавлати бўлган Эрон қумни қағлуб қилдилар. Шундан қани Умайя қалифалиги асригача ислом қалтанатининг ҳудудлари Қин (Қитой)дан Қиндгача, Қисрдан Андалусиягача қўзилди. Уммавий ва аббосий қалифалари Бағдоду Андалусияда ажойиб мадрасаю файзлиқ мактаблар оқдилар. Ўз қамонасининг олим ва қан арбобларини дину мазаҳбига қарамай бир қойда қамладилар. Қиска вақт орасида бу икки улуг ислом қойтахтлари дунёдаги илм ва маърифат марказига айланди.

Нақат туркистонли мусулмонлар, балки қарангистонли насронийлар ҳам илм таҳсили ва қилим олиб яшаш учун Бағдоду Андалусияга қела бошладилар.

Ажабо, шунча қуюқлик (не қолда?). Шунча азимат ва улуглик қаерга йўқолди? Неқун ақли исломнинг дунёи қаҳон дониши илмларининг шарофати шу қадар бахтсизлик ва қаҳолатга дучор бўлди?!

Қозир умумий ислом оламининг ақволдан ўтиб, ўзимизнинг (шу қунги) қолимизни таққик қилсак. Бир вақтлар мамлақатимиз маданият қуёшининг мабдаи, маърифат дарёсининг манбаи сифатида танилган эди. Қоробийлар, Бухорийлар, Абу Али ибн Қинолар, Улуғбеклар мамлақатимизни қаҳон саҳнасига қикарган эдилар. Бизнинг мамлақатимиз минглаб машҳур олимларни қор-атрофга етқазиб қериб, қўшнилариининг ҳам шарафини овоза қилиб, дунёга таратган эди. Саноатимиз шу даражада эдики, қалифалар шунча азимат ва шавқатли бўлишларига қарамай, либос, қийим-қечакларини бизнинг мамлақатимиздан олиб қетардилар.

Ажабо, бу меросу саодатнинг баланд чўккисидан кандай килиб тушиб колдик? Бу хусусда ўзимизнинг уламоларимиздан сўрасак, «кулли явмин бадтар», «бу хохиши илохий» ва «киёмат якиндир» деган гаплардан бошқасини айтмайдилар. Лекин Куръони каримга мурожаат килсак, тўғри, яхши жавобга юзма-юз килиб, бизга уни кўрсатиб кўяди. Агар шунга ҳам каноат килмасак, унда мана жавоби: сабаб шуки, ўтган кавмларнинг бошларига азоб юборилди. (Негаки) хар кавм солих амалларини ёмон одатларга алиштирар экан, Аллох ўз неъматларини улардан тортиб олиб, ўрнига азоб юборар.

Хўш, хозир кайси далилни қабул киламиз? Уламоларимизнинг сўзларини қабул килиб, бошимизга келган ва келаётган хар балони илохий ризо деб кетаверамизми, ё Куръони карим фармойишларини жон қулогимиз билан эшитиб, шу бахтсизликларимизга сабаб ёмон амалларимиздан деб ҳисоблаймизми?!

Бу саволга ҳам Куръони карим қамоли катъият ва маҳобат билан жавоб беради: «Аллох одамларга зулм килмайди, балки улар ўзлари ўзларига зулм қилувчилардандир...» «Сизларга етган хар бир мусибат ўзларингизнинг носоз феълу амалларингиздандир, гуноҳларингизнинг кўпларини Аллох афв этади. Агар гуноҳларингиз эвазига мусибатлар юборилса, ҳолингизга войдир! Сизларнинг амалингиз туфайли бу дунё мусибатлардан ҳалос бўлмас эди. Сизларга Аллохдан ўзга ҳимоячи мададкор, балоларни даф этувчи йўқдир».

Чунончи, тарих китобларида мана бу воқеа муфассал келтирилган: «Ухуд жангининг бошланишидан олдин ислом лашқари тоққа чиқиб кофирларга қарши юзма-юз туриб саф турдилар, ислом аскарининг чап тарафида бир ингичка дара (йўл) бор эди. Ҳазрати Расули алайҳиссалом жанг кизиган пайтда кофирлар шу дарадан ҳужумча даврадан тушган эмас эдилар. Хинд мусулмонлари ислом ҳақойиқларини ҳурфот ва бани Исроилнинг афсоналари эвазига фидо килмаса, мажусийлардан ҳам баттар қолга тушмас эдилар...

Ахир инсоф ва тааммул килиб айтиш керакки, биз ўзимизни мусулмон деб биламиз-у, лекин ислохот амрларини кўриб, билиб туриб кўпларига амал килмаймиз, илохий ҳукмлардан қамоли бебошлик билан чиқиб кетамиз, иттифоқимиз йўқ, тақво килмаймиз; ўртамызда ўзаро ёрдам йўқ, ҳақ талабини бажариш йўлида бирга қадам босмаймиз; рибохўрлик қиламиз, шароб ичамиз, гийбат ва ҳасад қиламиз. Шариат манъ этган барча ишларни қиламиз ва (шунинг учун ҳам) ахлокий разилликларга гирифтормиз.

Вужудимиздаги шунча нуксон билан ўзимизни қомил муулмон деб биламиз, биров бизни бу инсофсизликлардан манъ қилса, уни кофир деймиз. Хар нафасда 70 марта мусулмонман, деб лоф урамиз-у, ҳаёлимизга эса, «бир қомил мусулмончалик амал қилайлик» деган ўй келмайди.

Бир мулоҳаза қилинг: мусулмон киши Аллох таолонинг яғоналигига, анбиёларнинг нубувватига, самовий китобларга ва қиёмат қунига иймон келтирган бўлса, яъни буларнинг барчасига ишонса, биз ҳаммамиз буларнинг барига иймон келтирганмиз, дейди. Ҳа, биламиз, сиз буларнинг барчасига иймон келтиргансиз ва арабча «оманту биллоҳи ва малоикатиҳи» (яъни Аллох ва унинг малоикаларига иймон келтирдим)ни яхши уқиб тушунасиз. Лекин афсуслар бўлсинки, мен сизнинг иймонингиз самарасини кўрмайпман, яъни иймонингизга мувофиқ амал қилмайсиз. Ваҳоланки, ҳазрати Пайгамбаримиз буюрганлар: «Иймону амал бир-бири билан якиндир (вобастадир), бири иккинчисиз тўғри бўлмайди» («Ал-жомеъ ас-сағир»дан).

Шу масала юзасидан яна бир мисол келтирайлик. Сиз Бухорода миршаб борлигига ва

унинг амрига хилоф борган хар бир кишини хибсга олишига шубхасиз ишонасиз. Энди каранг, шу миршаб «кечки вақт уйдан чикманглар», — деб буйрук берса, сиз мазкур хукмга карши кечкурун уйдан чиқасизми ёки йўк? Албатта, чиқмайсиз. Зеро, миршаб ва хибсхонани ҳақ деб биласиз. Хар ким унинг хукмига карши борса, камок жазосига муқтало бўлишига ишонасиз. Мусулмонлик лофини уриб юрасиз-у, назарингизда, ёмон кўринган одамни кофирликда айблайсиз. Агар Ҳақ таолога, қиёматнинг ҳақлигига шу миршабга ва хибсхонага иймон келтиргандек иймон келтирсангиз, агар илохий ҳукмларга шу миршаб ва хибсхонага эътибор берганчалик эътибор қилсангиз, нега илохий амрларга хилоф иш қиласиз?!

Тарсам қараси ба Қабба эй аъроби,
Қ-ин раҳ ки ту мерави ба Туркистон аст.

[Эй аъробий, қўрқаманки, бу йўл билан

Қаббага етмассан, Бу сени элтаётган йўл Туркистон йўлидир!]

Банданинг бадбахтлигимиз сабабларига бағишлаб айтган шунча маърузасидан кейин мухтарам ўқувчилардан бирон фикр чиқишига шубҳа қилман. Лекин бу ҳасталиқларимизга қарши қандай чора қўриш керак? Бу ҳаробот ва жаҳлу гафлат гирдобидан ҳалос бўлиб, тараққиёт, саодат ва тинчликка эришмоқ учун нима қилмоқ керак? Бу ҳусусда ҳам қатта-қатта уламоларимиздан баъзилари «аҳли ислом бу ҳолатдан ҳал ос топмайди, зеро бизнинг замон — ислом заифлашган охир замондир» деб айтадилар. Улардан гапларига далил келтиришларини сўрасак, дарҳол «қулли явмин бадтар» иборасини пеш қиладилар. Лекин биз уларнинг гапларига қулоқ солмай, масала ечимини Қуръони қаримдан излайлик.

«Ушбу Қуръон икки дунё саодатидан баён қилгувчидир. Бу очик-ойдин Қитобнинг далолат ва маъвизаларидан баҳра олганлар, ана ўшалар Аплоҳдан қўрқувчилардир. Сизга хар бир мусибат етса, ўзингизни ҳақир сананг (ҳисобланг, яъни ўзингизга ишончсизлик қилманг, беъътибор бўлманг) ва маҳзун бўлманг (ҳафа бўлманг), агар Аллоҳга иймонингиз қомил бўлса (Қуръон амрларига мувофиқ амал қилсангиз) икки қарра саодати аълога эришасиз». «Эй иймон келтирганлар, (менинг томонидан) Пайгамбар келтирган хар бир амрни қабул қилинг ва сизларга манъ қилинган нарсаларга яқин борманг, амри илохийга хилоф иш қилишдан қўрқингиз, зеро, Аллоҳнинг азоби қаттиқдир». Бу ояти қарималардан маълум бўладики, агарда биз Қуръон ҳукмларига амал қилсак, паршонлик ва тарқоқликдан Аллоҳ ризолиги билан ҳалос бўламиз.

Гапни мухтасар қилсак, бугун бошимизга қелган фалокат ва бадбахтликларнинг ягона сабаби шуки, ҳикматли ҳукмлардан ва Қуръон натижаларидан узоқлашиб қетдик. Агар биз дунё ва охират саодати талабида бўлсак, барча гаразли ва фасод ишларимизни бир тарафга қўйиб, самимий қалб билан унга мутеъ бўлиб, Қуръон ҳукмларига бўйсуниб, ижтимоий ҳаётимизни шунга мувофиқ тарзда тартиблайлик. Бандаи ожизнинг қучсизлиги ва бу (хабарларни) билмаганлигидан юқоридаги мақсад учун Қуръон ҳукмлари ва ҳадисларни жамъ қилиб, шу варақлардан бир рисола тартиб бердим. Агарчи бу рисола (менинг ожиз қаламимга мансубдир) эътиборсиз бўлса ҳам, бироқ Қуръон оятлари ва ҳадислардан иборатлигидан арбоби диёнат назарига тушади, деб умид қилурман.

Мен танийдиганлардан баъзилари шу жойга етганда қулиб: «Сен хоҳлаганингни ёзиб, қудратинг етгунча дод- фарёд қилсанг ҳам Туркистонимизда сенинг сўзларингга эътибор берадиган одам топилмайди», — дейдилар. Бу биродарларимга берадиган

жавобим ҳам Куръони каримдандир: «Кофир ва гунохкорлар Куръони карим оятларини ўкиб, уни тушуниб, шундан кейин ҳам такаббурлик қилиб, (айтилганларга) писанд қилмай қулоқларини қар қилиб олсалар ва шу гунохларида (қаттиқ) туриб олсалар, хабар бергинки, эй Мухаммад, уларга шиддатли азоб бордин».

Шу билан банда (Аллох, барчамизга тавфик берсин) ўз вазифамни адо этишга киришаман.

давоми бор...